

СИФАТ, ХАВФСИЗЛИК ВА НОЖЎЯ ТАЪСИРЛАР

? Вакцина хавфсизми?

Ҳа, ВПЧга қарши барча вакциналар қўллаш учун рухсат берилган энг хавфсиз вакциналар қаторига киради.

Вакцинанинг яроқлилик муддати тугамаганига қандай ишонч ҳосил қилиш мумкин?

Ҳар бир флаконнинг яроқлилик муддати вакцина ёрлиғида қайд этилган. Ота-оналар ва васийлар шифокорлардан уларга вакцина ёрлиғини кўрсатишларини илтимос қилишлари мумкин.

? ВПЧ-вакцинаси инсоннинг репродуктив (фарзанд кўриш) функциясига таъсир этиши мумкинлигини тасдиқловчи бирон далил мавжудми?

Йўқ.
ВПЧ-вакциналари репродуктив функцияга таъсир қилмайди.
ВПЧ-вакцинага лицензия тақдим этишдан олдин олиб борилган клиник синовлар ҳамда вакцина жорий этилганидан сўнг унинг хавфсизлигини текшириш учун ўтказилган мониторинг ва таҳлиллар мазкур вакцина аёлларнинг репродуктив функцияларига ҳеч қандай зарар етказмаслигини тасдиқлаган. Бундан ташқари, ушбу вакцина бачадон бўйнининг саратон-олди шикастланиши ва бачадон бўйни саратонининг олдини олиши орқали репродуктив функцияларнинг ҳимояланган бўлишига ёрдам беради.

? Вакцина бирон-бир ножўя таъсирга эгами, агар ҳа бўлса, улар қандай таъсирлар?

Бошқа вакциналар ва доривор моддалар каби, ВПЧ га қарши вакцина ҳам баъзан энгил ножўя таъсирларни келтириб чиқариши мумкин, жумладан:
Инъекция ўрнининг қизариши, шишиб қолиши ёки оғриши кузатилади. Баъзи ҳолларда қизлар бош оғриғи, тана ҳароратининг бир оз кўтарилиши ёки умумий ҳолсизликдан шикоят қилишлари мумкин.
Бундай маҳаллий таъсирлар одатда бир кундан кўпга чўзилмайди ва хавф туғдирмайди.



Тўлиқ маълумот учун қаранг: www.privivki.uz

ВПЧга қарши эмлаш бўйича саволлар ва жавоблар



Ота-оналар ва васийлар учун **ахборот**



ИММУНИЗАЦИЯ - БУ НИМА?

Иммунизация – бу одатда вакцина киритилиши орқали инсон организми иммунитет орттирадиган ёки юқумли касалликларга таъсирчанлигини йўқотадиган жараёнدير. Вакциналар инсон организмнинг иммунитет тизимини муайян инфекция ёки касалликдан ҳимоя қилишга рағбатлантиради.

Иммунизация ҳаётга хавф солувчи юқумли касалликларга қарши курашиш ва уларни бартараф этишда қўлланилувчи синалган восита ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) тадқиқотларига кўра, иммунизация йилига 2-3 млн. ўлим ҳолатларининг олдини олишга имкон берар экан.

ОДАМ ПАПИЛЛОМАСИ ВИРУСИ (ВПЧ) ҲАҚИДА

? ВПЧ – бу нима?

ВПЧ қисқартмаси «одам папилломаси вируси» жумласидан олинган. Бу турдаги вируслар гуруҳи инсон терисига ёки тананинг турли қисмларидаги шиллиқ қобикларига шикаст етказилади.

ВПЧ вируси қанчалик хавфли?

ЖССТ тақдим этган маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда бачадон бўйни саратонидан ҳар йили 1660 нафар аёллар азият чекар эканлар. Республикада мазкур касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмиш ҳолатлари йилига 585 тани ташкил қилади. Бачадон бўйни саратони ВПЧ келтириб чиқарадиган ва бутун дунёда аёлларнинг ўлимига сабаб бўлаётган, энг кенг тарқалган саратон тури ҳисобланади.

ВПЧГА ҚАРШИ ВАКЦИНАЛАР ҲАҚИДА

? ВПЧга қарши вакцина нима учун керак?

Одам папилломаси вируси (ВПЧ)га қарши эмлаш бачадон бўйни саратонига чалинишнинг қарийб 90% ҳолатларининг олдини олишга имкон беради.

ВПЧга қарши вакцина қандай таъсир кўрсатади?

ВПЧга қарши эмлангач, инсон организми вирусга қарши аксил таначалар ишлаб чиқаради ва агар вирус қачондир организмга кирадиган бўлса, уни енга оладиган ҳимоя тизимини шакллантиради.

ЭМЛАШ ҲАҚИДА

? Менинг фарзандим қачон эмланиши керак?

Болани эмлашнинг энг яхши даври 9 ёш бўлган давр (икки марта эмлаш курси, иккинчи доза 6 ойдан кейин) ҳисобланади. Айнан шу ёшда вакцина иммунитет тизимининг энг кучли таъсирланишини таъминлаб беради.

Нима учун аксарият ҳолларда вакцина фақат қизларга таклиф этилади?

Бачадон бўйни саратони ВПЧ келтириб чиқарадиган касалликлар ичида энг кенг тарқалгани ҳисобланади. Шу боис ҳам ВПЧга қарши эмлаш дастурларининг асосий мақсади аёлларни ҳаёт учун хавфли бўлган касалликдан ҳимоя қилишдан иборат. ЖССТ ва аксарият мамлакатлардаги миллий органлар ВПЧга қарши эмлаш амалиётини биринчи навбатда 9 ёшли қизларга таклиф этишни тавсия қилади.

? Мен бу вакцина билан эмланмаганман ва менда бачадон бўйни саратони йўқ. Шундай экан, қизим нега эмланиши керак?

Бачадон бўйни саратони ирсий касаллик эмас. ЖССТ ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги барча қиз болалар ВПЧга қарши вакцина билан эмланишларини тавсия этадилар.

Агар менинг фарзандим эмланмаса, нима бўлади?

Вакцина билан эмланмаган инсон ВПЧ инфекциясини орттириб олиши ва вирусни бошқа инсонларга юқтириши хатари юқори. ВПЧ инфекциялари ўткир учли кондиломалар ва саратон касаллигининг бир неча турлари ривожланишига олиб келиши мумкин.

? Вакцина билан эмланишдан олдин ёки кейин тиббий кўриқдан ўтиш керакми?

Тиббий кўриқдан ўтиш шарт эмас. Саломатлигида муаммоси бўлмаган қизлар ВПЧга қарши вакцина билан эмланишдан олдин тиббий кўриқдан ўтишлари мажбурий эмас.

